

ХўЖАКЎРСИНГА ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАЛАР

ҚИШЛОҚДА иқтисодий ислохотларнинг ҳаётга тадбиқ этилишини таъминлашда ширкатлар, деҳқон-фермерлар, пудратчилар, ижарачилар билан икки томонлама тузилдиган шартноманинг аҳамияти беқиёсдир. Лекин, бунга эришмоқ учун қатор омиллarga эътибор бериш талаб этилади. Агарда шартнома пухта ўйланиб, икки томоннинг имкониятларидан келиб чиқиб, ҳисоб-китоб билан тузилса ва, энг муҳими, унинг ижроси амалга ошса — бундай шартномадан катта наф кўрилади.

Афсуски, айрим ҳолларда бу масалага юзаки ёндашиш мумкин. Президентимиз катта-кичик йилларда бу ҳақда неча бор оғохланган бўлишига қарамай, ҳамон бундай камчиликлар жойларда учраб турибди. Уртакчилик тумани прокуратураси ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг "Ижара тўғрисида"ги қонунининг қандай бажарилаётганини кўрсатиб турибди.

Қонун ва ижро

131 тонна кам маҳсулот берилди. Натихада ҳиссадорлик жамияти 375 минг сўмдан ортққ моддий зарар кўрди. Энди нима учун бундай аҳвол содир бўлди, деган савол туғилиши табиий. Текширишлар, таҳлиллардан шу нарса аён бўлдики, бу ерда шартнома шартларининг бажарилишини таъмин этишга дахлдор бўлган масъул ходимлар назорат ишларини гоёта бўшаштириб юборганлар. Об-ҳаво кўйинчиликлари, табиий оғдатлар натихасида юз бериши мумкин бўлган ҳолатлар, муаммолар шартномаларда қайд этилмаганлиги ҳам панд берди, албатта. Бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, шартномалар юзаки, хўжакўрсин учун тузилган бўлиб қиқди. Бу ҳам майли-я, ижарачилар томонидан етиштирилмаган маҳсулот турлари ҳам шартномада аниқ кўрсатилмаган. Мажбуриятлар тўла-тўқис бажарилмаганлиги, энг муҳими ердан самарали фойдаланилмаганлиги сабабли моддий зарарни аниқлаш ва жамият фойдасига ундириш ишлари ҳам назоратдан четга қолган. Текшириш натижаларига кўра ҳиссадорлик жамиятига етказилган моддий зарарни ижарачилардан

ундириш масаласи суд орқали ҳал қилинди. Жамиятнинг бош ҳисобчиси Ҳақим Шариповга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми "А" бандига асосан жиноят иши кўзгатилади. Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. А. Икромов номли ҳиссадорлик жамиятида ҳам ўтган йили 12 нафар ижарачига картошка ва пивёз етиштиришлари учун 13,59 гектар ер тақсимлаб берилди. Шартнома шартларига кўра ижарачилар 150,17 тонна картошка ва пивёз маҳсулотлари тайёрлаб беришлари керак эди. Амалда эса 110,1 тонна маҳсулот топширилди. Режага нисбатан 40,6 тонна кам! Бу — жамиятга 337 минг сўм зиён етди, демакдир. Шундай ҳулосага келидиган: ижарачилар ишни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар, экин қаровисиз қолган. Айнисқа, картошканинг қолорода кўнгилига ем қилиб қўйилганлиги ачинарли аҳволга олиб келган. Зарарни қисман қоплаш тадбири қўрилди. Жумладан, саккиз нафар ижарачининг ўртача иш ҳақига асосланган ҳолда жамият фойдасига даъво аризалари кўзгатилади. Бу масалани ҳал қилиш туман судига ҳавола этилди. Жамият раҳбарияти, масъул мутахассислар эътиборсизлик, ўзибуларчилик қабилда ишлаганликлари натихасида жамият зарар қўрганлиги қандай баҳолаша бўлади. Бундан буюн ҳам туман прокуратураси ижарачилар ўртасида шартномаларнинг қандай бажарилаётганлигини доимо назорат қилиб боришни мақсад қилиб қўйди.

Маъмура ОБИДОВА, туман прокурорининг катта ёрдамчиси.

Қишлоқ ва ислохот

— Чорвачиликка ёшлигимдан қизиқаман, — дейди хўжалик раҳбари Йўлдош Дўлонов. — Ишни бундан саккиз йилча илгари бир неча бош қорамол хариб қилишдан бошлаган эдим. Президентимизнинг республикада фермер хўжаликларни ташкил этиш тўғрисидаги фармони эълон қилинди-ю, ишим юришиб кетди. Йигирма бош қорамол, ўттиз кўй, йилки олиб, "Маданият" жамоа хўжалигида кичик фермер хўжалиги ташкил этдим. Ижарага ер беришди. Шу орада Исроилов давлатида бўлиб таъриб орт-лотти бериб келдим. Сафардан қайтган, хўжаликдаги йирлик чорвачилик фермасини хусусийлаштирдик. Ушанда маъмур фермада 309 бош қорамол бўлиб, уларнинг ҳар биридан соғиб олинадиган сут миқдори йилга 1500 литрга аранг етарди. Ҳозирги кунга келиб уларнинг маҳсулдорлиги кескин ошди, маҳсулот етиштириш қарийб уч баравар кўпай-

ФЕРМЕР БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

қўшган одамгина ютади. Ферма хусусийлашганидан сўнг аҳвол дарров ўзгариб қолган йўқ. Аввало қорамоллар наслини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш учун кўп ишлашга тўғри келди. Ҳаммаслар таърибасига таъйин, қорамолларни қатъий рацион асосида парваришлашга киришилди. Сигирлар бир неча-кундузда 30 килограмдан омухта ем, бундан ташқари лавлага, беда пичани, биоконцентрат билан озиқлантирилмоқда. Бузоқларни икки ойгача онасидан айирмай парваришла-

салкам тўрт юз минг сўм соф фойда билан яқунладик. Соҳамизнинг нозик томони шундаки, етиштирилган маҳсулотни бир кундан ортққ саклаб бўлмайди. Шу боис фақат ишончли шериклар билангина иш олиб бораемиз. Энг муҳими, ўзаро шартнома-ни пухта тузамиз. Ҳозир сутнинг асосий қисми мудофаа вазирлиги қошидаги "Нур" ишлаб чиқариш бирлашмасига етказиб берилмоқда. Жамоамиз аъзолари билан ҳам шартнома асосида ишлаймиз. Чорвадорлар ўз вазифасига чуқур масъулият

билан ёндашади. Чунки бизда ишлашни хоҳловчилар кўп. Ўртача маош 8—9 минг сўмни ташкил этмоқда. Иш ҳақи вақтида тўланади.

Олий Махлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасини диққат билан ўқиб чиқдим. Унда, хусусан, мулклий ҳуқуқимиз давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилаётгани айнаи мудоао.

Қонун лойиҳаси тасдиқдан ўтиб, ҳаётга жорий этилса, фермер хўжаликларни фаолияти янада жонлишишига ишончим комил. Фақат бизни ташвишлантириб келаётган яна бир масалани иҳобий ҳал этиш керак. Бу қишлоқ хўжалик техникаси муаммосидир. Юз гектардан зиёд экан майдонимиз бор. Аммо унга ишлов беришда техника қўлчилиги сезилмапти. Сотиб олиш эса бироз оғирлик қилади. МТПдан бириктириб қўйилган тракторларга узоқ навбат кутишга тўғри келади. Фермер хўжаликларига ҳам лизинг асосида замонавий техника воситалари етказиб бериш йўлга қўйилса, яхши бўларди.

Нобмат ДУШАЕВ, ЎЗА мухбири.

Халққаро ҳаёт

► БОКУ. 29 июнь кун Руминия Президенти Эмил Константинеску расмий ташриф билан Озарбойжон пойтахтига келди. У Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев ва бошқа расмий кишилар билан учрашиб, музокаралар ўтказди. Ташриф давомида Озарбойжон-Руминия муносабатларининг мустаҳкамлашига хизмат қиладиган бир неча ҳужжат имзоланиши кутилмоқда.

► ДЕХЛИ. Хиндистоннинг Бенгалия штатида нотоза сув ичган 16 киши ҳаётдан кўз юмди, 200 киши эса шифохонага ётқизилди. Маҳаллий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, бу кўнгилсиз воқеа 28 июнь кун чой плантациясида содир бўлган. Ишчилар ҳар доим плантация ёнидан оқиб ўтувчи дарё сувидан истеъмол қилар эди. Бироқ бу гал дарё суви уларнинг ҳаётига раҳна солди. Текширув ишларини олиб бораётган мамлакат ҳукумати аъзоларининг таъкидлашича, санаот чикиндиларининг дарёга ташлангани натихасида сув ҳаддан ташқари ифлосланиб кетган.

► БОНН. Германиядаги автогигант — "Фолксваген" компаниясида "Бора" деб номланган янги моделни ишлаб чиқаришга қарор қилинди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, турли кулайликларга эга "Фолксваген-Бора"нинг диванга кувати 90—150 от кучига эга. Унинг нархи тахминан 28 минг немис маркаси атрофида бўлади. Янги русумдаги автомашина жорий йил куз ойларидан бошлаб ГФР худудига сотувга чиқарилади.

► МАЪЛУМКИ, "Даймлер-Бенц" нафақат Германия, балки дунёдаги энг бақувват автомобил ишлаб чиқарувчи концернлардан бири саналади. Мазкур корхона ўз иқтисодий имкониятларини янада кенгайтирмоқчи. Фирма вакили Юрген Шрөмпинг маълум қилишича, концерн 2008 йилга келиб савдо айланмасидаги маблагни икки карра кўпайтиради. Яъни, концерннинг умумий савдо айланмаси 140 миллиард АКШ долларига етади.

"АСР ВАБОСИ"ГА ЎРИН ЙЎҚ

Гиёҳвандликка қарши кураш ҳаммамизнинг ишимиз

Гиёҳвандликни "аср вабоси" дейишади. Бу гап беркорга айтилмаган. Чунки у одамларни, айниқса, ёшларни ҳалокат сари етказибди. Навики гуруҳлар, тоифалар, табақаларни балки бутун бир миллатнинг тизинини қуритиб юбориши мумкин. Шунинг учун ҳам бутун дунёда, хусусан ривожланган мамлакатларда гиёҳвандликка қарши кураш тобора кучаймоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1987 йил 7 декабрдаги Қарорига асосан 26 июни гиёҳвандликка қарши кураш кунидек ёллон қилди.

Шу муносабат билан мухбиримиз Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи муовини, милиция полковниги Тоҳир Нишонович БОЙМАТОВ билан суҳбатлашди.

— Тоҳир Нишонович, одатда бирорта сана муносабати билан ўтказилган тадбирлар пайтида ушбу соҳа бўйича қилинган ишлар сарҳисоб қилинади. Ютуқлар таъкидланади. Айрим йил қўйилган нуқсонлар таҳлил қилиниб, уларнинг қайта тақорланмаслиги чоралари қўрилади. Масалая шу нуқтаи назардан қараганда вилоят ички ишлар бошқармасининг гиёҳвандликка қарши кураш бўйича олиб бораётган ишлари сезини қониктирадими?

— Бу саволга бир хил жавоб бериш қийин. Чунки кейинги пайтада ҳамдўстлик мамлакатларида, умуман дунёда гиёҳвандлик балоси тобора хавфли тус олмақда. Хусусан, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчи давлатларга юртимиз орқали оғунли олиб ўтишга уринишлар тез-тез содир бўла бошлади. Агар биз аср вабосига қарши шу ерда ишончли тўсиқ қўямасак, бу хавфли иллатнинг кўпроқ ва тезроқ тарқалишига имкон яратиб қўйишимиз мумкин. Бунинг муддиш оқибатларини тўла англаб етган Тошкент вилояти ички ишлар идораларида гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш мақсадида алоҳида дастурлар ишлаб чи-

қилиб кетилаётган 100 килограмдан зиёд "опий" моддаси мусодара қилинди.

Жорий йилнинг 4 ойи давомида эса қонуёнбузарлардан ноқонуний муомалада бўлган 36,5 килограмм оғу моддаси мусодара қилинди. Агар 1 грамм "опий" туфайли бир вақтинг ўзига 5 киши заҳарланиши мумкинлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳавфнинг қанчалик катталигини тасаввур қилиш қийин эмас. Ўтказилган қатъий чоралар натихасида ўтган давр мобайлида гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний олиб ўтиш, саклаш, сотиш, истеъмол қилиш билан шуғулланган 142 нафар шахс жиноятчи, 19 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Шулардан 10 таси Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари фуқаролари, 6 таси бошқа вилоятлар фуқаролари, 23 таси муқаддам судланганлар, 14 таси аёллардир.

Мана шуларнинг ҳаммаси милиция ходимларининг қўйғайратлари билан амалга оширилди. Аммо иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Жиноятларни олдини олишнинг баъзилари бизга боғлиқ бўлса, айримлари кенг жамоатчилик кўмағи билан амалга ошириладиган ишлардир. Агар одамлар, милиция ходимлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорликда ҳаракат қилсалар, фаолиятларини мувофиқлаштириб олсалар гиёҳвандликдек хавфли иллатнинг илдиизига чуқуროқ болта урган бўлардик.

Афсуски, шундай бўлмаганлиги оқибатида айрим йўналишларда ҳали туб бурилиш ясай олмаёмиз. Масалан, шу йилнинг дастлабки уч ойида 30 нафар киши наркологи диспансер ва 11 нафар киши профилактик рўйхатга олинди. Ачинарлиси шундан иборатки, буларнинг 15 таси балоғат ёшига етмаган болалардир. Яна шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, жойлардаги наркологлarning кўплари ги-

ёҳвандлик моддаси истеъмол қилган шахслар билан етарли даражада профилактик иш олиб бормаяптилар. 1997 йида вилоят бўйича ҳаммаси бўлиб 45 нафар одам гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилганлиги учун профилактик ҳисобга олинган эди. Бу йил 4 ой ичида атиги 11 киши рўйхатга олинди. Ваҳоланки, вилоятимизда гиёҳвандлик

хусусий фирмалар орқали истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етиб бормаслигига кафолат борми? — Ана шу ҳол гиёҳвандликка қарши кураш бўйича вилоят комиссияси олдида қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Фирмаларнинг гиёҳвандлик ва психотроп моддалари билан савдо қилиши кўп ҳолларда назоратсиз қолдирилмоқда. Чунки уларнинг низомларида бундай фаолиятни чеклаш, ёки махсус назоратдан ўтказиш ҳақида ҳеч қандай бандлар қарилмаган. Натихада фирмалар истаган нарсаларни истаган одамларига, ташкилотларга сотишмоқда. Жумладан, текшириш давомида Зангиота туманидаги "Ҳамкор" фирмаси 1997 йил мобайлида "Навоийазот" бирлашмасидан захарли ҳисобланган 99 фоизли сирка кислотасини олиб, уни бемалол сотиб келганлиги аниқланди. Буларга қатъий чек қўйишимиз керак.

— Очигини айтганда фақат милиция ходимларининг кучи билангина гиёҳвандликдек хавфли иллат-

ни батамом тугатиш, унинг аҳоли ўртасида кенг тарқалиб кетмаслигини кафолатлаш қийин. Бунда кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки таъминланганига кўзланган мақсадга эришса бўлади. — Гагингиз тўғри. Ҳозир жамоатчи фаолларимиз бу масалада бизга ёрдам бериб туришибди, Аммо очигини айтганда булсам, юқорида таъкидлаганингиздек, муҳим ишга қарши бутун жамоатчилик баробар юёққа турмас экан, самара кўнгидагидек бўлмайди. Бир мисол айтай. Ҳозир гиёҳвандлар орасида игна билан томирига бир маротаба юборишда ишлатиладиган модданинг энг кам баҳоси 300 сўмдан зиёд туради. Агар одам уни қабул қилишга ўрганиш қолган бўлса, бир кунда камидан бир маротаба баданига игна санчиши керак. Агар санчмасан, ўрганиб қолган организм суякларни зирқираб оғриб бошлайди. Ана шу вақтда кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Қайси йил билан бўлса ҳам "дори"ни топишга ҳаракат қилади. Қўнчида жиноят йўлига киради. Жилла бўлмаса осонроқ усулни қўллайди. Яъни пулдорроқ хонадоннинг фарзандини йўлдан уради. Уни ҳам гиёҳвандликка ўргатади. Қарабсанки, ўсимир

Зикрилла Ҳусанов Тошкент туманидаги Тошкент жамоа хўжалиги бешинчи бригадасида деҳқончилик қилиб келмоқда. Бригада аъзолари 35 сотих ердан 25-37 тонна қарам топширдилар. **Зикрилла ака** тўрт фарзандни ўстиряпти. *Суратда: Зикрилла Ҳусанов ўғли Абдулазиз билан.* **Нўмон МУҲАММАДЖОНОВ** олган сурат-лавҳаси.



Долзарб мавзу


моддаларини истеъмол қилувчилар сон анчагина. Натихада оилалар барбод бўлмоқда, турли жиноятлар содир этиляпти. Айнисқа, гиёҳвандликнинг воқеа етмаган ўсимирлар ва аёллар ўртасида ҳам тарқалаётганлиги ташвиш туғдирмай қолмайди.

СУРАТДА: ёввойи наша ўсимлиги. Энди у дарҳол йўқ қилинади.

Суҳбатдош: Каримжон РИХСИЕВ.

ЁШ КЕМАСОЗЛАР ЮТУФИ

Яқинда Тошкентдаги Ирригация институтининг спорт мажмуи ва Бахт кўлида ёш кемасозларнинг республика мусобақаси бўлиб ўтди.



Жалол АЛИЕВ.

Суратларда: кемаларни мусобақага тайёрлаш; тўғарак раҳбари А. Гусалов шогирдлари билан.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган.

Сўраган эдингиз

Балиқ овлини жуда хуш кўраман. Лекин, бу йил биринчи балиқ эмас, балки, барча жониворлар ва ўсимликларни муҳофаза қилиш кескин кучайган, уларни овлашнинг янги меъёрлари белгиланган, дейишяпти. Шу ҳақда батафсил тушунча берсангиз.

Мухаммаджон АХМЕДОВ, Ангрэн шахри.

Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш кўмитаси ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича махсус но-зирлик бошлиғи Аъзам Усмоновдан ушбу саволга жавоб беришни илтимос қилдик.

ЯНГИ МЕЪЁРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ўрмон ҳўжалиқларига қарайди. Мавжуд ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг қатор меъёрий ҳужжатлари бор.

меъёр белгиланган.

Масалан, доривор — озуқабоп ўсимликларни йиғиб олиш ва тайёрлаш билан асосан "Шифобахш" ишлаб чиқариш бирлашмаси шуғулланиши мумкин.

Бу йил ёввойи ҳайвонларни ва паррандаларни овлаш меъёри ҳам белгилаб қўйилди.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

Ўзбекистон бадий академияси санъатшунослик илмий тадқиқот институтидида ҳайкалтарошлик ва сувбўёқ асарлари бўйича очилган кўргазма томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

М. ОДИЛОВА. (ЎЗА).



Олис Франция миллионлар севиб томоша қилган футбол байрами тўғрисида кўрғазма ташкил қилинган.

АСОСИЙ ҲИМОЯ ҲАҚИДА

африкалик ишқибозлар башоратларини чиқарди.

Кеча Германия—Мексика жамоалари ўртасидаги учрашув нихоятда ҳаяжонли ўтди.

Ярим тунда бўлиб ўтган Голландия—Югославия ўйини ҳам анча қизиқарли ва ҳаяжонли дамларга бой бўлди.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

Марсел шаҳар мексиконаналаридан биринчи ФИФА вице-президенти Остин Варнер яшаётган хонадан 35 миң АҚШ доллари микдоридида пул ҳамда вице-президентнинг рафика-аса тегишли кимматбаҳо тақинчоқлар ўғирланди.

Жанубий Америка қитъасидан келган беш миллий жамоанинг тўрттаси кейинги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Францияда футбол бўйича жаҳон чемпионати бошлангандан буён Тайланд полицияси 350 нафар шахсни товланмачилиқда айблаган ва ҳибсга олди.

ОҚ ЙЎЛ, ТАЛАБАЛАР

ВИЛОЯТ Қизил ярим ой жамияти ҳомийлигида ўтган 11 синф битирувчиларининг "Оқшом" и Янгийул шахри аҳлининг ҳам катта байрамига айланиб кетди.

Бу тadbир марказдаги Бош майдонда меҳнат фахрийлари, мурабий ўқитувчилар, жамият фoалларининг кўтло-ви билан бошланди.

ФИРИБГАРГА ИШОНИБ...

Эгамберди Исроилов 36 ёшда, фарғоналик, оилали. Етти йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Жиноят мажмуасининг 125-қисми, 2-моддаси билан судланган.

каёқдан билсин?! Товламачи ҳам фурсатдан фойдаланиб, тилла тақинчоқларни қиссага уради ва фойдасини уйлайди.

Жиноятга жазо муқаррар

рак йўқ. Бунинг орасида Исроилов Фарғонага, кейин Самарқандга бориб кетган.

юборган экан. Охири пулни қайтариш мuddати 1997 йил 10 декабрь қилиб белгиланди.

TOHSHKENT HAQIQATI / Muassis: TOHSHKENT VILOYATI HOQIMLIGI / BoSh muxarrix FatiXiddin Muxiddinov / Manzilimiz: 700000, Toshkent shahri, Matbutotchilar kuchasi, 32. / Telefonlar: xatlar va ommaviy ishlar bulimi: 133-40-48, Elektron: 133-99-15, 136-57-27. / Eylon va bildiruvlar dagi fakt hamda dalillarning tugrilligi uchun reklama va eylon beruvchilar mas'uldir.